

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 123 (10.176)

2004 ЙИЛ 28 ИЮНЬ

**ПОЙТАХТНИНГ
бир кунни**
Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА

● **ЎЗКЎРГАЗМАСАВДО** мажмуида Республика Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан юртимиз қорхоналарида ишлаб чиқарилган мактаб ва лаборатория жиҳозлари, ускуналари, педагогика технологиялари кўргазмаси намоиш этилди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат юридик институтида Халқаро ғиёвандлик кунни муносабати билан ўтказилган анжуман «Ҳуқуқшунослар — ғиёвандликка қарши» деб номланди. Шунингдек, «Жар» — спорт соғломлаштириш мажмуида Республика Ички ишлар вазирлиги ташаббуси билан «Спорт ва саноат — ғиёвандликка қарши» мавзусида тадбир ҳамда хайрия концерти ўтказилди.

● **ОИЛА** илмий маркази ташаббуси билан шахримиздаги жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида оилада тиббий маданиятни ошириш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● **ШАХРИМИЗДА** сиёсий партиялар вакиллари ҳамда фаоллар иштирокида уюштирилган семинар-тренингда сайлов қончилигини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари ҳамда 2004 йил декабрь ойида ўтадиган парламент сайловларига тайёргарликнинг бориши муҳокама қилинди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман Кенгашининг учинчи конференцияси бўлиб ўтди. Унда мазкур партиянинг ижтимоий, сиёсий, маданий, маърифий соҳаларда олиб бораётган ишлари муҳокама қилинди.

● **ЭСКИ** Жўва бозори ҳудудида гўшт маҳсулотлари билан савдо қилувчи янги раста хариддорларга хизмат кўрсата бошлади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
мухбирларимиз хабарларидан.



БАЙРАМ ХУШ КАЙФИЯТ БАҒИШЛАДИ

Ўтган кунни Ўзбек Миллий академик драма театри биноси эрта тонгданок ўзгача файзли тус олди.

Миллий одатимизга кўра янграган қарнай ва сурнай садолари юртимизнинг барча етакчи журналистлари, нашриёт ходимлари ва матбаачиларни қасб байрами — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига қорлади.

Байрамга бағишланган тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов Юртошимизнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.


Сўнг бир ғуруҳ захматкаш журналистлар, ўз фаолиятлари билан ҳамкасбларига ўрнатқан бўлаётган ноширлар ва матбаачиларга давлатимиз раҳбарининг эсдалик совғалари топширилди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов мазкур ташкилот томонидан таъсис этилган 2003 йилги «Йилнинг энг фаол журналисти» танлови ғолиблари ва совриндорларига қимматбахо мукофотларни топширди.

Шунингдек, тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси томонидан таъсис этилган қимматбахо совғалар спорт журналистлари ижодий танлови ғолибларига тақдим этилди.

Ғ.Ёкубов, Ғ.Эрқулова, З.Бойхонова, И.Фармонов, Д.Қодиржонова, О.Нечитайло каби эл севган санъаткорлар ижросидаги дилтортар кўшиқлар тадбир иштирокчиларининг кўнглиларини хушнуд этди.

Кеча сўнгиди Ўзбек Миллий академик драма театри томонидан саҳналаштирилган янги спектакль намоиш этилди.



Кеча Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида журналистлар сайли бўлиб ўтди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишланган байрам тадбири ва журналистлар сайлидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

Анжуманни Марказий сайлов комиссиясининг Раиси Б.Мустафоев бошқарди ва «Эркин демократик сайловларнинг ҳуқуқий асослари» мавзусида маъруза қилди.

Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»ги қонуннинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов «Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари халқаро сайлов стандартлари контекстида» мавзусида маъруза қилди.

Давоми 2-бетда.

XXI саҳоси
Барча мактаблардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсаройда Украина Бош вазири Виктор Януковични қабул қилди. Учрашув давомида Ўзбекистон—Украина муносабатларини янада ривожлантириш, минтақавий хавфсизликка оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига қасб байрамлари муносабати билан табрик йўллади.

● Тошкентда Кўп томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон—Украина қўшма комиссиясининг 6-мажлиси бўлиб ўтди. Унда жумладан, тўғридан-тўғри алоқаларни ривожлантиришнинг янги имкониятлари кўриб чиқилди.

● Халқаро ғиёвандликка қарши кураш кунни муносабати билан БМТнинг Ғиёвандлик ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармасининг Тошкент ваколатхонасида матбуот анжумани ўтказилди.

● Ўзбекистон Банклар ассоциацияси ҳамда Иқтисодий тадқиқотлар ва таълим маркази «Банклар ва молия бозорлари» мавзусида танлов эълон қилди.

● Ўзбекистон Давлат консерваториясида Бастакорлар уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган Ёш бастакорларнинг бешинчи республика кўрик-танлови якунланди.



Жаҳонда

● «Нью-Йорк Таймс» газетасида берилган маълумотга кўра, АҚШ сенати 2005 йил учун ҳарбий бюджет лойиҳасини қабул қилди. У 447,2 миллиард доллар ҳажмида белгиланди.

● Россия Марказий сайлов комиссияси жорий йилдаги Президент сайлови кампаниясининг молиявий ҳисобини эълон қилди.

● АҚШнинг Халқаро ривожланиш агентлиги — USAID Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистонда силга қарши курашга мўлжалланган 5 йиллик лойиҳа учун 15 миллион АҚШ доллари ажратди.

● Жаҳонда машҳур ёзувчи, давлат ва жамоат арбоби Чингиз Айтматовнинг 75 йиллигига бағишланган юбилей тантаналари кенг нишонланмоқда. Жумладан, Чўпон ота шаҳридаги «Рух ўрда» мажмуасида ўтказилган асосий кечада Қирғизистон Президенти Аскар Акаев юбилейга ўзининг самимий тилақларини билдирди.


● Португалияда бўлиб ўтаётган Европа чемпионатида амалдаги китъа чемпиони Франция устидан Греция термасининг қўтилмаган ғалабаси Афинада катта байрам тантаналарининг ўтказилишига сабаб бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида «Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигининг ҳуқуқий асослари ҳамда 2004 йилда парламент сайлови кампаниясини уюштириш масалалари» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Марказий сайлов комиссиясининг «Ўзбекистон қонунлари ва 2004 йилда демократик сайлов ўтказиш механизмлари тўғрисида»ги туркум семинарлар режасига асосан ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони масъул ходимлари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Олий Мажлис депутатлари, сиёсий партиялар,

жамоат бирлашмалари, жамғармалар раҳбар ва ходимлари, олимлар, мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● Европа Кенгаши учун бўлиб ўтган сайловлар натижалари эълон қилинди. Кенгашнинг Бош котиби этиб Буюк Британия парламенти аъзоси Терри Дэвис сайланди. Терри Дэвис фақат социалистлар эмас, балки бутун Европадаги бошқа сиёсий гуруҳлар ҳам уни қўллаб-қувватлаганидан мамнун. Энди у Европа Кенгаши Бош котиби лавозимини 5 йил давомида бошқаради.

● Аджария Олий кенгашига бўлиб ўтган сайловнинг дастлабки натижаларига кўра, Грузия президенти Михаил Саакашвили тарафдорлари ғалабани қўлга киритганлар. Би-Би-Си мухбирининг Батумидан хабар қилишича, сайлов натижалари Аджария учун ангиллик эмас. Расмий натижалар хафта охиригача маҳаллий матбуотда эълон қилинади. Эндilikда Аслан Абашидзе Аджарияни тарк этади ва Олий кенгаш Грузия президенти томонидан тўғридан-тўғри бошқарилади.

● Пекинда Шимолий Корея ядровий дастури борасидаги кўп томонлама музокараларнинг навбатдаги босқичи бошланди. Шу кунга қадар бўлиб ўтган икки босқичда қўтилган натижаларга эришилмаган эди. Кўп томонлама музокаралар АКШ, Япония, Хитой, Россия ва Жанубий Корея вакиллари иштирокида бўлиб ўтмоқда.

● Хитой ҳукумати мамлакатда фаолият юритаётган интернет-провайдерларига ўзларини ўзлари тийишга чакирди. Ҳукумат дунё тўри орқали берилаётган ҳар қандай ахборотни миллий хавфсизлиқни таъминлаш мақсадида назорат қилиш, ҳатто керак бўлганда, интернет сайтини чеклаб қўйишни назарда тутмоқда.

● Исроил Бош вазири Ариэл Шарон Фаластин мухторияти раҳбари Ёсир Арофатга яқин 45 йил ичида Рамаллох шаҳридаги қароргоҳини тарк этмаслигини айтиб ўтди. Арофат ўзининг қароргоҳида мана 2 йилдирки, қаттиқ назорат остида ушлаб келинмоқда. Шароннинг сўзига кўра, Ёсир Арофатни озодликка қўйиб юбориш катта хатодир. Чунки у исроилликларга қарши уюштирилган бир неча терактларда айбдор ҳисобланиб келинмоқда.

● Саудия Арабистонидаги «Ал-Қоида» етакчиси Абдулазиз Муқриннинг ўлими ташкилот фаолиятига катта зарба бўлди, дейди Саудия Арабистони ҳукуматининг Вашингтондаги Халқаро ишлар бўйича маслаҳатчиси Адел Жубайр. Гаровга олинган америкалик Пол Жонсоннинг ўлимини ўз бўйича олган ташкилот дастлаб Абдулазиз Муқрин ва унинг жангарининг ўлимини инкор этганди. Кейинчалик бу хабар «Ал-Қоида» ташкилоти томонидан тан олинди.

● АКШдаги таникли астрофизик олим Чарлз Хайдер 74 ёшида оламдан ўтди. Қизик томони шундаки, касби унга буюклик келтирмаган. У 218 кун очлик эълон қилиб, туз тотмаган. Бунга Чарлз рекордлар китобида кириш ёки оммавий эътиборни тортис учун қилмаган. Айтганча, унинг номи ҳозирга қадар узоқ вақт оч юриш бўйича Гиннеснинг «Рекордлар» китобидан жой олган.

Давоми. Боши 1-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ халқ давлат ҳокимиятининг ягона манбаидир. Ўзбекистон фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бундай иштирок давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади. Ўзбекистон фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадир. Бунда сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бу йил мамлакатимиз сиёсий ҳаётида катта ижтимоий-сиёсий воқеа - янги, икки палатали парламент ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайлов Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов комиссиялари ва участка сайлов комиссиялари томонидан ташкил этилади ва ўтказилади.

Қонунчилик палатаси депутатлари фуқаролар томонидан бевосита сайландилар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайловларни ўтказиш учун тузиладиган сайлов комиссиялари тизимига бошчилик қилади, уларнинг фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг ижросини назорат қилади.

Сайловларни ташкил этишга оид масалалар юзасидан ўз ваколатлари доирасида қарорлар, низомилар қабул қилади, йўриқномалар чиқаради ва тушунтиришлар бериб боради.

Марказий сайлов комиссиясининг вазифалари ва ҳуқуқий мақоми «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги, шунингдек «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунларда белгилаб қўйилган. Унинг бош вазифаси ошқора, очик, эркин демократик сайлов ўтишини таъминлаш, тегишли қонунлар нормалари сўзсиз бажарилиши устидан назорат ўрнатишдан иборат. Комиссия фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, коллегиаллик, ошқоралик, мустақиллик, адолатлиқдир.

Марказий сайлов комиссияси ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлар округ ва участка сайлов комиссиялари учун, давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун мажбурийдир.

Бўлажак парламент сайлови илгариги сайловлардан фарқ қилади. Бу, аввало, марказий сайловга доир қонун ҳужжатларига киритилган ўзгаришлар билан боғлиқ. Ўз фаолиятини доимий асосда олиб борадиган Қонунчилик палатаси шакллантирилиши муносабати билан сайловларда сиёсий партияларнинг роли сезиларли ошади. Улар сайловчилар ташаббускор гуруҳлари билан бир қаторда парламентнинг қуйи палатасига сайловда иштирок этадилар. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бу сайловда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатликка номзодлар кўрсатишда қатнашмайди.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ҳудудида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунларда белгилаб қўйилган. Унинг бош вазифаси ошқора, очик, эркин демократик сайлов ўтишини таъминлаш, тегишли қонунлар нормалари сўзсиз бажарилиши устидан назорат ўрнатишдан иборат. Комиссия фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, коллегиаллик, ошқоралик, мустақиллик, адолатлиқдир.

Ўшбу талабларга риоя этилган тақдирдагина сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили депутатликка номзодни рўйхатга олишни илтимос қилиб, Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этишга ҳақли бўлади. Сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади. Сайлов кунга ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди. Депутатликка номзод ўз хоҳишига кўра беш нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиши мумкин.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ҳудудида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунларда белгилаб қўйилган. Унинг бош вазифаси ошқора, очик, эркин демократик сайлов ўтишини таъминлаш, тегишли қонунлар нормалари сўзсиз бажарилиши устидан назорат ўрнатишдан иборат. Комиссия фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, коллегиаллик, ошқоралик, мустақиллик, адолатлиқдир.

Сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади. Сайлов кунга ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди. Депутатликка номзод ўз хоҳишига кўра беш нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

ларга тааллуқлидир.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

Сиёсий партия, сайловда иштирок этиш учун, сайловга камида 70 кун қолганида тегишли ҳужжатларни Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади. Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида беш кунлик муддат ичида сиёсий партиянинг сайловда қатнашишига ижозат бериш тўғрисида қарор қабул қилади.

Депутатликка номзодлар кўрсатиш сайловга 65 кун қолганида бошланади ва сайловга 45 кун қолганида тугайди. Ҳар бир сиёсий партиянинг юқори органи депутатликка 120 нафар номзод, яъни ҳар бир сайлов округидан биттадан депутатликка номзод кўрсатишга ҳақли.

Сайлаш ҳуқуқига эга ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи депутатликка номзод кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг камида 100 нафар сайловчисидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин. Сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили гуруҳни рўйхатга олишни илтимос қилиб, тегишли округ сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Ўшбу масала округ сайлов комиссияси томонидан қўриб чиқилиб, ижобий ҳал қилинган тақдирда, депутатликка номзод кўрсатган сайловчилар ташаббускор гуруҳи округ сайловчилари умумий сонининг камида саккиз фоизи миқдоридан номзодни қўллаб-қувватловчи имзо тўплаши, бунда имзолаётган фуқаролар миқдори ҳар бир маҳалла, қишлоқ ёки овул бўйича мутаносиб равишда тақсимланган бўлиши шарт.

Ўшбу талабларга риоя этилган тақдирдагина сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили депутатликка номзодни рўйхатга олишни илтимос қилиб, Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этишга ҳақли бўлади.

Сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади. Сайлов кунга ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди. Депутатликка номзод ўз хоҳишига кўра беш нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиши мумкин.

Янги қабул қилинган, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасига ва давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик органларига сайловда иштирок этишини молиялаштириш белгиланган тартибда фақат ана шу мақсадлар учун ажратиладиган давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Маблағларнинг бир депутатликка номзод ҳисобига тўғри келадиган миқдори Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади. Ўшбу маблағ партиядан депутатликка кўрсатилган номзодлар рўйхатга олингандан кейин номзодлар сонига мувофиқ ҳажмда сиёсий партиянинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

Қонунчилик палатасига сайловда сиёсий партияларнинг иштирок этишини молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағлари сиёсий партия томонидан: сайловолди кўргазмалари ташвиқот воситаларини нашр этишга; депутатликка номзодларнинг телевидение, радио орқали ва бошқа оммавий ахборот воситаларида чиқишларини;

номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини; уларнинг ишончли вакиллари ва бевосита сайлов округида сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун жалб қилинадиган бошқа фаоллар ишини ташкил этишга;

сайлов кампаниясини ўтказишга доир умумпартиявий тадбирларга сарфланиши керак.

Парламентнинг юқори палатаси - Сенат аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисидаги низоми ишлаб чиқиш ва қабул қилиш Марказий сайлов комиссияси зиммасига юклатилган. Сенат аъзолари сайлови Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида фарқ қилади. Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда - олти кишидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Конституциянинг 77-моддасига биноан Сенатнинг 16 нафар аъзоси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Сенатга сайлов маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайланганидан кейин бир ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Марказий сайлов комиссияси давлат ҳокимияти вакиллик органлари қўшма мажлисларининг баённомалари асосида, бу баённомалар келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай, Сенат аъзоларини рўйхатга олади, шунингдек Сенатни шакллантириш аъёнлари тўғрисидаги ахборотни ва сенаторлар рўйхатини ўн кундан кечиктирмай матбуотда эълон қилади.

Анжуманда таъкидланганидек, мамлакатимизда юз бераётган демократик ўзгаришларга, сиёсий тизимда амалга оширилаётган ислохотларга, жумладан икки палатали парламентга ўтиш жараёнига халқаро ташкилотлар, хорижий давлатлар дипломатик корпуси қизиқиши кун сайин ортиб бораётир.

Юртимиз тарихида биринчи бор шакллантирилаётган икки палатали парламентга сайловларни ташкил этиш ва демократик асосда ушшоқлик билан ўтказиш сайлов жараёнининг барча иштирокчилари зиммасига катта масъулият юклайди.

Семинар очик ва самарали мулоқот руҳида ўтди. Унинг қатнашчилари ўзларини қизиқтирган қўллаб-қувватларга жавоб олдилар.

ЎЗА

Маши

ИККИ ТИЛДА
ЧОП ЭТИЛДИ

Бугунги кунда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро илмий алоқалари кенгайиб бормоқда. Унинг Америкадаги Нордистерн университети билан ҳамкорлиги ҳам қутилган натижани бермоқда.

«Ўзбекистон: оммавий ахборот воситаларига ёзиш» деб номланган ўқув қўлланмасининг юзага келиши ҳам айна мундоо бўлди. Журналист кадрлар учун яхши совға бўлган бу ўқув адабиётини босмага тайёрлашда ҳар иккала олий ўқув юрти таркибидagi халқаро журналистлар факультетлари ҳамкорлиги қўл келди. Ушбу янги нашр ўзбек ва инглиз тилларида чоп этилди. Унда журналистик маҳорат бўйича халқаро доирада орттирилаётган бой тажрибалар ёритилган. Ўзбекистон матбуот ва оммавий ахборот воситалари мисолида берилган маълумотлар ҳам китобхонада қизиқиш уйғотади.

ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ
ҚўЛЛАНМА

Мамлакатимизда туризмни ривожлантириш дастури асосида қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида эса шу соҳа бўйича малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган.

Халқаро туризм йўналишидаги таълимий жараёнлар ҳам самарали бўлмоқда. Айна вақтда саёҳатчиларга хизмат кўрсатишнинг қатор турлари билан шуғулланувчи мутахассислар сони ортиб бормоқда.

Меҳмонхона хизмати ихтисослиги билан шуғулланаётган кадрлар яхши амалий малакага эгадирлар. Бу борада орттирилган бой тажриба асосида янги электрон китоб яратилди. «Меҳмонхона сервис» деб номланган бу ўқув қўлланма саёҳатчилик бўйича босмага тайёрланган энг яхши адабиётлардан бири ҳисобланади. Пойтахтимиздаги «Шератон» меҳмонхонасида ўтказилган ушбу қўлланма тақдиротида бу нашрнинг афзалликлари тўғрисида ижобий фикрлар айтилди.

Фуркат ИСМАТОВ

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишдек кенг миқёсдаги ўзгаришлар, аввало, ҳар қайси фуқаронинг манфаатини ҳимоялайдиган қонун ва нормалар оммавий ахборот воситалари томонидан кенг ёритиб борилаётгани муҳим аҳамият касб этади. Зеро, оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик фикрига, фуқароларнинг ҳуқуқий онига таъсир ўтказиш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти бекиёсир.

Ҳуқуқ маданияти

ТАЪСИРЧАН ОМИЛ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, хусусан, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришлар моҳиятини кенг омма эътиборига етказиш борасида талай ишлар амалга оширилмоқда. Оммавий ахборот воситаларида қонунларимиз моҳияти, хусусий тadbиркорлик, кичик ва хусусий бизнес субъектларининг ҳуқуқ ҳамда манфаатлари ҳимоясига бағишланган мақола, кўрсатув ва эшиттиришлар салмоғи ошадигани қувонарли ҳолат. Уларнинг аксарияти мазмун-моҳиятининг чуқурлиги ва таъсирчанлиги билан аҳоли, айниқса, тadbиркорлар ҳуқуқий онини ўстиришда муҳим омил бўлмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари тизимининг ривожига жиддий эътибор қаратиладигани диққатга сазовор. Зеро, жамиятнинг барча соҳаларини демократлаштиришда, мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамият сафидан муносиб ўрин эгаллашда, олдимида турган энг долзарб вазифалардан бири — жамиятимиз ҳаётида сўз эркинлиги тамойилларини тўлиқ татбиқ этиш ва бу борада ривожланган давлатлар эришган даража ҳамда андозаларга етиб олиш муҳим аҳамиятга эга.

Бутун дунёда одамлар турмуш тарзига умуминсоний қадриятлар, хусусан, халқаро демократиянинг норма ва тамойиллари жадаллик билан кириб келаётган ҳозирги ша-

роитда, Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, «Оммавий ахборот воситалари жамиятимизда ҳақиқий «тўртинчи ҳокимият»га айланиши, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини рўбга чиқаришда энг таъсирчан омил бўлиши керак».

Шу билан ҳам оммавий ахборот воситаларининг самарали фаолияти учун ҳар томонлама зарур шарт-шароитлар яратилган. Аввало, қонунчилик соҳасида муайян ишлар амалга оширилди. Оммавий ахборот воситалари фаолиятига тааллуқли ўндан ортиқ қонун қабул қилинди. Уларда журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик чоралари белгилангани қонунчилигимиздаги муҳим янгиланган бири бўлди.

Эркин фаолият учун зарур ҳуқуқий кафолат ва шароит яратилгани туфайли юртимизда оммавий ахборот воситаларининг тарқиб, сон, тури, сифати, мазмун-моҳияти, фаолият доираси ва қўлами, жамиятдаги мақоми тубдан ўзгарди.

Эътиборли жиҳати шундаки, оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳуқуқидан ҳар қандай юридик ва жисмоний шахс фойдаланиш имконига эга бўлди. Эндilikда оммавий ахборот воситалари мутассислари сафида давлат ташкилотларидан ташқари, нодавлат нотижорат ва тижорат

ташкilotларини, хусусий шахсларни кўриш мумкин.

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча жаҳатларини демократлаштириш ва эркинлаштириш шароитида кишиларимизнинг ахборотга бўлган талаб-эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, оммавий ахборот воситалари, ношirlк ишлари ва матбаачиликни кенг қўламли ривожлантиришга қўмаклашиш, ахборот хизматларининг бозорини шакллантириш мақсадида матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилган.

Оммавий ахборот воситаларининг аксарияти Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳуқуқнинг суверен субъекти сифатидаги, ўзининг кўп миллатли халқи миллий манфаатларининг ифодаловчиси сифатидаги моҳияти ва аҳамиятини фуқаролар онига етказишда муҳим роль ўйнаётган. Шу билан бирга, оммавий ахборот воситалари миллатлараро осойишталик ва тотувликнинг сақланиши ҳамда мустақамланганига ўз ҳиссасини қўшмоқда. Конституция ва қонунларни, ислохотларнинг боришини тушунтириб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси ходимларининг иши самарадорлигида ҳам оммавий ахборот воситаларининг ўз ўрни бор. Биз ўз фаолиятимизда ҳуқуқий тарбият орқали фуқаролар ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга жиддий эътибор қаратяпмиз. Зеро, ҳуқуқий демократик давлат кураётган фуқаролар учун бу энг долзарб вазифа ҳисобланади.

Фурсатдан фойдаланиб, 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунин билан барча журналистларни муборакбод этамиз.

Аслам ХОЛИҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси
ҳарбий прокуратураси
бўлим прокурори, адлия майори.

Заҳматкашларимиз

ИЗЛАНИШДАН
ТОЛМАЙДИГАН РАССОМ

Ҳар сафар Абдурасул ака Ҳакимовни кўрганда кишининг кайфияти беихтиёр кўтарилди, баҳри-дили очилди. Таҳририятда у кишини қувноқ табассум билан қарши олишади. Бу беҳиз эмас албатта. Мусаввир сифатида яхши танилган Абдурасул Ҳакимов томонидан яратилган карикатура расмлар кўп йиллардан бери оммавий ахборот воситалари, хусусан, газета ва журналларда чоп этилиб муштарийлар эътиборига сазовор бўлиб келмоқда.

Жамиятимиз ҳаётида учрайдиган камчилиги нуқсонларни жонли тарзда ифода қилишга интиладиган Абдурасул Ҳакимов чизган карикатураларни кўрганда беихтиёр киши юзига табассум югуради, «Боплабди, рассом акамиз» деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолади. «Башаранг қийшқ бўлса ойнадан ўпкалама» деганларидек Абдурасул аканинг карикатураларини кўрганда айримлар ўзи йўл қўйган камчиликни ёки ҳаётида юз берган қулғили воқеани ёдига олган бўлса ажаб эмас.


Очигини айтиш керак, кейинги йилларда газета-журнал таҳририятларида фаолият кўрсатаётган рассом-мусаввирларнинг сони камайиб кетди. Ҳозирда кўпгина таҳририятлар му-

саввир-рассом асарларига муҳтож. Лекин, рассомлик кишидан тинимсиз излашиш, ижод машаққатини талаб этади. Бундан ташқари ирода ва сабр-бардош каби хислатлар рассом-мусаввирнинг доимий йўлдоши бўлмоғи зарур. Ҳали-ҳануз муштарийлар Алижон Холиков, Махмуд Жўраев сингари маҳорат эгалари номини чуқур ҳурмат билан ёдга олишларининг боиси, уларнинг ижоди халқимизга манзур бўлганида. Бугунги лавҳамиз қахрамони Абдурасул ака Ҳакимовни ҳам ана шу устоз рассомлар сафига қўшасак адашмаймиз. Чунки Абдурасул аканинг илк машқлари газеталарда чоп этилганга жорий йилда 35 йил тўлади. Бу ҳақда унинг ўзи шундай хотирлайди.

— Ҳеч ёдимдан чиқмайди.

1969 йилнинг октябри. Каминя бетоблигим сабаб, гарчи Театр ва рассомлик санъати институтининг рассомлик факультетини тугатган бўлсамда хали бирор ишининг этагидан тутмаган, бир оғиз мададга, ширин сўзга муҳтож бўлиб юрган кезларим. Уйда ўтириб, мустақил равишда ҳар хил суратларни қаламда қоғозга тушира бошладим. Мақтанчоқликка йўймангу машқларим ўзимга ҳам маъқул бўла бошлади. Газетада, журналда чоп этириш фикри туғилди. Биринчи қадамлар ҳаяжонли бўларкан. «Муштум» журнаliga бордим. Рассомларни олиб қолишди-ю, орадан анча вақт ўтса ҳам эълон қилишмади. Ўша кезларда «Тошкент оқишони» газетасининг роса доврғу қозонган пайти. Ана шу газеталарга умид билан келдим. Каминяни ўша пайтдаги бош муҳаррир ўринбосари Максим Каримов илиқ қарши олди. Кўп ўтмай расмларим «Тошкент оқишони»да берилди. Дарвоқе, дастлабки машқларим карикатуралар эмас, аксинча унда «Қашқар» маҳалласи манзаралари ҳамда Абдор Хидоятлов кўчасида жойлашган Уй-жой ва маъмурий бинолар қурилиши, тажриба лойиҳалаш илмий-тектириш институти биноси кўриши акс этганди. Шундан сўнггина менга матбуот эшиклари очилди. «Тошкент ҳақиқати», «Муштум» таҳририятлари ҳам каминя чизган расмларни эълон қила бошлади. Ҳозирда эса имкони борича ҳар бир газета-журналларда қатнашиб келаман.

Ҳа, ҳатто Россия пойтахти Москва шаҳрида чоп этиладиган «Московская неделя» газе-



таси таҳририяти Абдурасул ака ижодиға қизиқиш билдириб, унинг асарларини эълон қилганлиги қувонарли ҳол. Шунингдек, Беларуссия, Украина, Озарбойжон, Молдова, Руминия, Германиядаги ҳажвий журналларда Абдурасул Ҳакимов асарларидан намуналар чоп этилганлигини айтиш мумкинки, бунга ҳар бир ижодкорга ҳам насиб қилмайдиган бахт деб баҳолаш жоиз.

Хуллас, гапирсак гап кўп. Айна кунларда Абдурасул Ҳакимов 65 ёшда бўлишига қарамай, ҳали бардам, тегили, ижоддан бир лаҳза бўлсин тўхтагани йўқ. Оилада ҳам болаларига меҳрибон ота. Турмуш ўртоғи Мухайё опа билан 30 йилдан бери ахил, тотув яшаб келишади. Кўзларининг оқу қароси Саида ҳозирда тиббиёт ҳамшираси бўлиб ишлайди.

Биз ҳам мусаввир-рассомга янгидан-янгиди ижодий ютуқлар тилаб, кўп йиллар матбуотда, хусусан «Тошкент оқишони» саҳифаларида аjoyиб расмларини, карикатураларини билан газетхонлар кўнглини чоғ қилаверинг, деб қоламиз.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ.
Абдурасул Ҳакимов
ижодидан намуналар.



Давоми. Боши
утган сонда.

ПАЙШАНБА, 1

«Ўзбекистон»
телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 ТВ-маркет
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 1. «Сехри халф-
лар оролчаси».
2. «Қизқарли учра-
шувлар»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар
10.05 Алифбо сабоқ-
лари.
10.25 «Атлантида
сири». Мультифилм.
11.40 «Журналист тах-
лили»
12.05 «Буюк аждодла-
римиз»
12.25 «Мусликий муно-
зар»
12.45 «Дунё бўйлаб»
13.05 «Котиллик пай-
дан». Теле-сериал.
13.55, 16.00 ТВ-
анонс
14.10 Футбол бўйича
Европа чемпионати.
Ярим финал.
15.45 «Елгончилар
касри». Мультифилм.
16.05 «Парле ва фран-
се»
16.25 «Таълим ва та-
раққиёт»
16.45 1. «Цирк,
цирк, цирк»
17.45 «Харита». Халк-
аро шарҳ.
18.10 «Умр мазмун»
18.25 «Маслак ва мақ-
сад»
18.45 «Зийнат»
19.05 «Соғлом она -
соғлом бола»
19.30 «Ахборот» (рус
тилида)
20.00 Оқим эртакла-
ри
20.15 FCN «Ўзбеки-
стон янгиларлари» (ин-
глиз тилида)
20.30 «Ахборот»
21.05 Телемулоқот.
21.45 «Олтин бешик»
22.15 «Ўфтор»
22.35 «Гуруҳ ва экти-
ро». Бадий фильм.
2-кисм.
23.35 «Ахборот-дай-
жест»
23.55-24.00 Ватан
тимсоллари.

«Ёшлар»
телеканал

6.55 Қўрсатувлар да-
стури
7.00 «Мунаввар тонг»
Информацион-дам
олиш дастури
8.30 «Янги авлод» студ-
ияси: Оқ кабур
8.50 ТВ-анонс
8.55 Иқлим
9.00 Давр
9.25 «Елгон асираси»
9.50 «Ахборот»
10.05 Тенгдошлар
10.25 «Учинчи сайе-
ра» маърифий да-
стури
11.15 ТВ-авлоқ
11.20 Халқасб
11.40 «Ромка, Фомка
ва Артош». Мульти-
фильм
12.10 Бир ўлкаки...
12.20 Ёшлар овози
12.50 Мусликий лахза-
лар
13.00 Давр
13.10 ТВ-анонс
13.15 Болалар учун
мультифилм: «Шарки
ва Жорж»
13.40 Чемпион сирла-
ри (рус тилида)
14.05 Спорт-китаси
(рус тилида)
14.35 Автоматлар
14.55 «Ўзбектеле-
фильм» студияси на-
моиши: «Асрлардан
хикоя сўйлаб»
15.10 Газет соғинчи
15.30 Рақурс
15.50 Сув - ҳаёт ман-
баи
15.55 ТВ-анонс
16.00 Давр
16.10 «Робин Гуд»
Бадий фильм. 1-се-
рия
17.15 ТВ-анонс
17.20 Қўрсатувлар да-
стури
17.25 «Янги авлод»
студияси: Кичкинтой-
миз-гизинтоймиз
17.45 Хотира
18.00 Ёшлар овози
18.20 Таббат олами-
да
18.45 ТВ-афиша
18.50 Мумтоз наво-
лар
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 «Давр» интер-
вью

19.50 ТВ-анонс
19.55 Ўйша марҳамат!
20.00 Ўзбекистон
20.10 Буюк аждодла-
римиз. Наҳиддин
Кубро
20.30 ТВ-авлоқ
20.40 «Елгон асираси»
Теле-сериал
21.30 Мезон
21.50 Олтин мерос
22.00 Давр
22.40 ТВ-анонс
22.45 «Атлантида»
23.05 «Скарлетт»
Бадий фильм. 4-кисм
23.55-0.00 Хайри тун

«Тошкент»
телеканал

17.10 Қўрсатувлар
тартиби
17.20 ТТВда сериал.
«Луиза Фернанда»
17.45 «Табрикла-
миз-кутаймиз»
17.55 «Хорик хаба-
рлари»
18.00, 20.40 «Эксп-
ресс» телегазетаси.
18.15 «Навигатор»
18.30, 20.00, 20.55,
21.35 «Пойтахт» ахбо-
рот дастури.
18.50 «Табрикла-
миз-кутаймиз»
19.20 ТТВда сериал.
«Мухаббат тарихи»
20.20 «Эл хизмати-
да»
21.15 «Бурч ва масъу-
лият»
21.55 ТТВда сериал:
«Рей Бредбери теат-
ри»
22.20 Кинонигоҳ.
«Микоз»
00.10-00.15 Хайри
тун, шаҳрим!

«Спорт»
телеканал

7.30 «Хабарлар»
7.45 «Бардам бўлинг»
Тонгги дам олиш да-
стури.
8.45 «Хабарлар» (рус
тилида)
9.00 «Болалар
спорт»
9.15 Мини футбол.
Федерация кубоги.
9.50 «Алпокат»
10.10 «Дуненинг энг
муъжизалари»
10.40 Дисней клуб.
11.00 «Янгиларлик»
11.05-13.00 В.Шук-
шин «Икита эркак»
фильмида
16.55 Қўрсатувлар
тартиби
17.00 «Хабарлар»
(рус тилида)
17.20 «Улкан дино-
заврлар макони»
Хужжатли сериал.
17.50 «Клон». Сериал.
18.50 «Миллионга
кир ювиш»
19.00 «Кора кузгун»
Сериал.
20.00 «Время»
20.30 «Болалар
спорт»
20.45 «Федерация
фюбилити»
21.00 «Хабарлар»
21.15 «Майдон орти-
даги одам»
21.30 «Нокдаун»
22.00 «Спорт - ме-
нинг ҳаётим». Тулаған
Исков
